O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: info@xs.uz ● 2007 йил 9 ноябрь, № 222 (4375) Жума

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ФАРМОНИ

## А. Атоевни «Эл-юрт ҳурмати» ордени билан мукофотлаш тўғрисида

Бокс бўйича жаҳон чемпиони унвонини қўлга киритиб, мардлик ва жасорат намунасини намоён этгани, мамлакатимизнинг халқаро майдондаги обрў-эътибори ва нуфузини ошириш, ёш авлодни жисмонан соғлом қилиб тарбиялаш, ўзбек бокс мактаби анъаналарини янада юксалтиришга қўшган улкан ҳиссаси учун бокс бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси Аббос Абдураззоқович Атоев "Эл-юрт ҳурмати" ордени билан мукофотлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2007 йил 8 ноябрь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ФАРМОНИ

## О. Муҳамедовга «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спорт устози» фахрий унвони бериш тўғрисида

Мамлакатимизда оммавий спортни, хусусан, боксни тарғиб қилиш йўлидаги жонкуярлиги, ёш авлодни Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш, уларни ҳар томонлама баркамол этиб вояга етказишдаги хизматлари, халқаро мусобақаларда юртимиз шаънини муносиб ҳимоя қилишга қодир бўлган юксак малакали боксчиларни тайёрлашга қўшган салмоқли ҳиссаси учун Бухоро вилояти Олимпия захиралари спорт мактабининг бокс бўйича мураббийси Олим Музафарович Муҳамедовга "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спорт устози" фахрий унвони берилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2007 йил 8 ноябрь

# ЭЪТИБОР ВА ЭҲТИРОМ ИФОДАСИ

***Ўзбекистон замини азал-азалдан буюк олимлару фозиллар, мард, жасур, матонатли инсонларга бешик бўлган. Ватанимиз истиқлоли, Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида баркамол авлодни тарбиялаш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар туфайли буюк аждодларимиз шон-шуҳратига муносиб, истеъдодли, куч-қудратда тенгсиз авлод вояга етмоқда. Халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган лафзи ҳалоллик, азму шижоат жаҳонаро тобора баландроқ бўй кўрсатмоқда.***

Шу йилнинг 23 октябрь-3 ноябрь кунлари Чикаго шаҳрида (АҚШ) ўтган бокс бўйича жаҳон чемпионатида дунёнинг юздан ортиқ мамлакатидан келган олти юз нафардан зиёд боксчи рингга чиқди. Жаҳон чемпионлиги унвони ва келаси йили Пекин шаҳрида бўладиган ёзги Олимпиада ўйинлари йўлланмасини берадиган ушбу чемпионатнинг аҳамияти унинг нуфузидан ҳам маълум. Мазкур мусобақада Ватанимиз шарафини ҳимоя қилган ўзбек ўғлони - Аббос Атоев жаҳон чемпиони унвонини қўлга киритди.

Бухоро вилоятининг Вобкент туманидаги Кўлхатиб қишлоғида туғилган 21 ёшли Аббоснинг жаҳон бокс майдонида эришган муваффақияти бу борадаги эзгу интилишларимиз ва улуғвор ишларимиз самараси, эришаётган ютуқларимизнинг мантиқий давоми, халқимиз салоҳиятининг амалдаги яна бир ифодасидир.

Ҳар куни жаҳон чемпионлари чиқавермайди, ҳар ким ҳам жаҳон чемпиони бўлавермайди. Бунинг учун нафақат куч, балки маънавий-руҳий қувват, юксак салоҳият, метиндек ирода, қатъият, азму шижоат лозим.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 8 ноябрдаги Фармонига биноан бокс бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси Аббос Атоев "Эл-юрт ҳурмати" ордени билан тақдирланди.

Президентимиз Фармонига мувофиқ жаҳон чемпионининг устози — Бухоро вилояти Олимпия захиралари спорт мактабининг бокс бўйича мураббийси Олим Муҳамедов "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спорт устози" фахрий унвони билан мукофотланди.

Пойтахтимиздаги Олимпия шон-шуҳрати музейида 8 ноябрь куни ана шу мукофотларни тантанали топшириш маросими бўлди. Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш. Мирзиёев жаҳон чемпиони А. Атоев ва унинг устози О. Муҳамедовга Ватанимизнинг юксак мукофотларини топширди. Шунингдек, Аббос Атоевга Ўзбекистон Республикаси Президентининг совғаси — "Нексия" автомобили тақдим этилди.

— Жаҳон чемпионлиги нафақат менинг, устоз ва мураббийларимнинг, ўзбек боксчиларининг ҳам ютуғидир, — деди жаҳон чемпиони А. Атоев. — Ушбу муваффақиятимни юксак баҳолаган Юртбошимиздан беҳад миннатдорман. Бу мукофот менга янги куч-қувват, руҳий мадад беради. Давлатимиз раҳбарининг биз, ёшларга қаратаётган улкан эътибори Ўзбекистонимизнинг халқаро нуфузини янада оширишда муҳим омил бўлмоқда. Ватанимиз, эл-юртимиз шаънини улуғлашдек шарафли иш учун ҳеч қачон куч-ғайратимни аямайман. Келгуси йили Пекинда ўтадиган ёзги Олимпиада ўйинларида ҳам юксак поғоналарни забт этишга ҳаракат қиламан.

**(ЎзА).**






Муҳаммад АМИН (ЎзА) олган суратлар.

*Олий Мажлис Сенатида*

*Кун тартибида:*

# ОНА ВА БОЛА САЛОМАТЛИГИ

***Ҳар қандай давлатни тараққий топтириш истиқболлари турмуш фаровонлигига, оналикнинг муҳофаза қилиниши таъмин этилишига ва бутун авлоднинг соғломлигига бевосита боғлиқ. Ўзбекистон оналар ва болалар ўз ҳуқуқ ҳамда талаб-эҳтиёжларини ҳар томонлама амалга ошира олишларига, жамиятда қадр ва муносиб ўрин топа билишларига ҳукумат даражасида катта аҳамият берилаётган жаҳондаги саноқли мамлакатлардан биридир. Ўзбекистон Республикаси давлат стратегиясининг энг муҳим йўналишларидан бири ишончли ва изчил ижтимоий ҳимояни, оналик ва болаликни муҳофаза қилишни таъминлашдан, ёш авлод ҳақида ғамхўрлик қилишдан иборатдир.***

Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг "Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли" номли маърузасида таъкидланганидек, «Ҳамма нарса инсон учун, унинг келажаги учун» деган эзгу тамойилни тўлиқ амалга ошириш биз учун доим энг муҳим устувор вазифа бўлиб келган ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади». Шу билан бирга, мамлакатимиз раҳбари бўлажак оналарнинг саломатлигини мунтазам назорат қилиб борадиган ва соғлом болалар дунёга келишига хизмат қиладиган скрининг марказларининг барпо этилган кенг тармоғи роли ва аҳамиятини алоҳида таъкидлади.

Бу соҳадаги фаолиятнинг муҳим йўналишларидан бири Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Ўзбекистон Республикаси 1995 йилда қўшилган Оналикни ҳимоя қилиш тўғрисидаги конвенцияси қоидаларини миллий қонун ҳужжатларига сингдиришдан иборатдир. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Ташқи сиёсат масалалари қўмитасининг 8 ноябрда Бухоро шаҳрида бўлиб ўтган сайёр мажлиси шу мавзуга бағишланди. Мажлис халқ депутатлари Бухоро вилояти Кенгаши депутатлари билан биргаликда ўтказилди.

(Давоми 2-бетда).

***Мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик, ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш борасида улкан аҳамиятга эга муҳим сиёсий воқеа — шу йил 23 декабрда бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида 16 миллион 297 минг нафардан зиёд сайловчи иштирок этиши кутилмоқда. Уларнинг муайян қисмини сайловларда илк бор овоз берадиган йигит-қизлар ташкил этади.***

# ЁШЛАР ВА САЙЛОВ МАДАНИЯТИ

***Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси Мирзоулуғбек Абдусаломов 8 ноябрь куни Марказий сайлов комиссиясининг матбуот марказида ана шундай сайловчиларнинг вакиллари билан учрашди.***

Ушбу учрашувдан асосий мақсад ёшларнинг сайлов қонунчилиги ҳақидаги билимини ошириш ва уларнинг жамиятда кечаётган демократик ўзгаришлар жараёнида фуқаролик позициясини янада кучайтиришдан иборат.

Мамлакатимиз, халқимиз олдида турган олий мақсадларга эришиш, Ватанимиз келажаги, аввало, ёшларимизга, уларнинг ҳар томонлама баркамол инсонлар бўлиб вояга етишига боғлиқдир. Бугун ёшлар республикамиз аҳолисининг ярмидан кўпроғини ташкил қилади. Шу муносабат билан мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ юртимизда ёшларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини, жамият ва давлат қурилишида, мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги фаол иштирокини тўла таъминлаш борасида зарур ҳуқуқий асослар яратилди.

Конституциямизнинг 117-моддасига мувофиқ, давлатимиз раҳбарини сайлашда ўн саккиз ёшга тўлган барча фуқаролар иштирок этиш ҳуқуқига эга. 2007 йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида 2 миллионга яқин йигит ва қиз бундай ҳуқуқдан илк бор фойдаланадилар. Шу муносабат билан, учрашувда таъкидланганидек, сайловчиларнинг, хусусан, ёшларнинг сайлов тўғрисидаги билим даражасини ошириш масаласи Мар-

(Давоми 2-бетда).

# САЙЛОВЧИЛАР ТАШАББУСКОР ГУРУҲИ ЙИҒИЛИШИ

***"Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"-ги Қонунга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар сиёсий партияларнинг олий органлари, сайловчилар ташаббускор гуруҳлари йиғилиши томонидан кўрсатилади. Тошкентда 8 ноябрь куни сайловчилар ташаббускор гуруҳининг Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод кўрсатиш бўйича йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан мазкур сайловчилар ташаббускор гуруҳи аъзолари иштирок этди.***

Йиғилишда жорий йилнинг 23 декабрида бўлиб ўтажак Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови мамлакатимиз сиёсий ва ижтимоий ҳаётида муҳим воқеа бўлиши, Ўзбекистонда амалга оширилаётган демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш борасида катта аҳамият касб этиши таъкидланди. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида сайловчилар ташаббускор гуруҳига бирлашган, тақдим этган ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар дастурини қўллаб-қувватловчи фуқаролар томонидан бевосита кўрсатилган номзоднинг иштирок этиши миллий сайлов тизимимиз демократлашганининг ёрқин далолати, фуқароларимиз ижтимоий-сиёсий фаоллиги ошганлигининг муҳим омилидир.

Сайловчилар ташаббускор гуруҳининг йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Президентлигига Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раиси Акмал Саидовнинг номзодини кўрсатиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Йиғилишда сайловчилар ташаббускор гуруҳидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзоднинг сайловолди платформасининг асосий йўналишлари муҳокама этилди.

**(ЎзА).**

# ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

***Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 7–8 ноябрь кунлари навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.***

Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси аъзоси И. Аҳмедов «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини тақдим этди. Муҳокама чоғида барча сиёсий партиялар фракцияларининг вакиллари сўзга чиқиб, пенсия таъминоти соҳасидаги қонун ҳужжатларини янада такомиллаштиришнинг муҳимлигини таъкидладилар. Киритилган таклифларни ҳисобга олган ҳолда Қонунчилик палатаси Қонунни қабул қилди.

«Уруғчилик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 9-моддасига ўзгартиш киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси тўғрисида Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси аъзоси А. Эрдонаев сўзга чиқди. Савол-жавоблар ва атрофлича муҳокамадан кейин депутатлар Қонунни қабул қилдилар.

Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси аъзоси А. Эрдонаев «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси тўғрисида маъруза қилди. Савол-жавоблардан кейин барча сиёсий партиялар фракциялари вакиллари иштирокида қонун лойиҳасининг моддама-модда муҳокамаси бўлиб ўтди. Қонунчилик палатаси муҳокама чоғида киритилган таклифларни ҳисобга олган ҳолда Қонунни қабул қилди.

«Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Покистон Ислом Республикаси Ҳукумати ўртасида жиноий ишлар бўйича ўзаро ҳуқуқий ёрдам тўғрисидаги Шартномани (Тошкент, 2007 йил 14 март) ратификация қилиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси аъзоси З. Убайдуллаев тақдим этди. Бўлиб ўтган муҳокамадан кейин Қонун қабул қилинди.

Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси аъзоси Т. Шайманов «Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Покистон Ислом Республикаси Ҳукумати ўртасида транспорт ва товарлар транзити соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги Битимни (Тошкент, 2007 йил 14 март) ратификация қилиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини тақдим этди. Савол-жавоблардан кейин муҳокама чоғида киритилган таклифларни ҳисобга олган ҳолда депутатлар Қонунни қабул қилдилар.

Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси аъзоси Н. Сидиқов маърузаси бўйича депутатлар «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини кўриб чиқдилар. Ҳужжатнинг батафсил муҳокамасидан кейин депутатлар қонун лойиҳасининг асосий қоидаларини маъқулладилар ва уни биринчи ўқишда қабул қилдилар.

Депутатлар Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси раисининг ўринбосари Ш. Умарова тақдим этган «Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан мажбурий давлат ижтимоий суғуртаси тўғрисида»ги қонун лойиҳасини кўриб чиқдилар. Савол-жавоблар ва муҳокамадан кейин депутатлар қонун лойиҳасининг асосий қоидаларини маъқулладилар ва уни биринчи ўқишда қабул қилдилар.

«Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги қонун лойиҳасини Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси аъзоси М. Абдуллаева тақдим этди. Ҳужжатнинг муҳокамаси чоғида киритилган таклифлар ва қўшимчаларни ҳисобга олган ҳолда депутатлар қонун лойиҳасининг концепциясини тасдиқлаб, уни биринчи ўқишда қабул қилдилар.

«Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси тўғрисида Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раисининг ўринбосари Б. Ёқубов маъруза билан чиқди. Савол-жавоблар ҳамда батафсил муҳокамадан кейин депутатлар қонун лойиҳасининг асосий қоидаларини маъқулладилар ва уни биринчи ўқишда қабул қилдилар.

Депутатлар Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси аъзоси А. Тўхташев маърузаси бўйича «Жарима тариқасидаги жиноий жазони ижро этиш тартибини такомиллаштириш масалалари бўйича Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси, шунингдек «Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик-процессуал кодексининг $238^2$-моддасига қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини кўриб чиқдилар. Муҳокама чоғида киритилган таклифларни ҳисобга олган ҳолда депутатлар қонун лойиҳаларининг концепциясини маъқулладилар ва уларни биринчи ўқишда қабул қилдилар.

**(ЎзА).**

# НАФИС ҲАРАКАТЛАР ЖИЛОСИ

***Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда хотин-қизлар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлашга, улар ўртасида жисмоний тарбия ва спортни оммавийлаштиришга, соғлом турмуш тарзини қарор топтиришга алоҳида эътибор қаратилаётир. Бу борада бадиий гимнастика, синхрон сузиш, стол тенниси, енгил атлетика, катта теннис каби нафис спорт турларини ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга.***

Бадиий гимнастика қизларнинг соғлом, кўркам, жисмонан ва маънан етук бўлиб вояга етишига хизмат қиладиган спорт тури ҳисобланади. Мамлакатимизнинг барча вилоятларида спортнинг мазкур тури билан мунтазам шуғулланаётган қизлар сафи кенгайиб бораётгани жаҳон спортида ўз анъаналарига эга бўлган Ўзбекистон бадиий гимнастикасининг истиқболи порлоқ эканидан яна бир далолатдир.

Пойтахтимиздаги «Универсал спорт мажмуи»да бадиий гимнастика бўйича ўтказилган «Жажжи маликалар — 2007» мусобақаси ҳам спортнинг бу тури тобора оммалашиб бораётганини кўрсатди.

Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ва Ўзбекистон Бадиий гимнастика федерацияси ҳамкорлигида ташкил этилган мусобақада ҳамюртларимиз билан бирга Қозоғистондан келган, 1990-2001 йилларда туғилган икки юз нафарга яқин бадиий гимнастикачи ғолиблик учун куч синашди.

**▼ Бадиий гимнастика**

Мусобақанинг кўпкураш беллашувлари жажжи спортчиларимизнинг маҳорати ва тажрибаси ошиб бораётганини кўрсатди. Спорт усталари ўртасидаги беллашувларда тошкентлик Алиса Ажемирова шоҳсупанинг энг юқори поғонасини эгаллаган бўлса, 1992-1998 йилларда туғилган гимнастикачилар ўртасида барча тенгқурларини ортда қолдирган пойтахтлик Регина Овезова, Валерия Давидова, Мая Филиппова, Эвилина Калишер, Комила Тўхтаева, бухоролик Сарвина Холиқова ғолибликни қўлга киритди.

Мусобақа дастуридан жой олган гуруҳ беллашувлари ҳам қизиқарли ўтди. Энг жажжи — олти-етти ёшли гимнастикачилар ўртасидаги баҳсларда Бухоро вилоятининг биринчи жамоаси ғолиб чиқди. Тошкент шаҳри ва Бухоронинг иккинчи жамоаси кучли учликдан жой олди.

(Давоми 2-бетда).

*Кун тартибида:*

# ОНА ВА БОЛА САЛОМАТЛИГИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Сенаторлар, вилоятдаги халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари доимий комиссияларининг раҳбарлари, тегишли вазирлик ва идораларнинг, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, ЮНИСЕФ, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, халқаро ташкилотлар, жамғармалар, жамоат ва ноҳукумат ташкилотларининг вакиллари, мутахассислар, шунингдек, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирокида ўтган мажлисда мазкур Конвенциянинг вилоят миқёсида бажарилиши кўриб чиқилди, бу соҳадаги фаолият самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари ҳақида фикр алмашилди.

Муҳокама асносида Оналикни ҳимоя қилиш тўғрисидаги Конвенция нормалари миллий қонунларимизга сингдирилганлиги ҳамда улар Меҳнат ва Оила кодексларида, "Хотин-қизларга қўшимча имтиёзлар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида, мамлакат Президентининг бир қатор фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорларида акс эттирилганлиги кўрсатиб ўтилди. Ўзбекистон Республикаси "Хавфсиз ҳомиладорликни таъминлаш" ва "Перинатал ёрдам самарадорлигини ошириш" дастурларини МДҲ мамлакатлари орасида биринчилар қатори жорий этди.

Ушбу Конвенция қоидаларини миллий қонун ҳужжатлари нормалари билан қиёсий таҳлил қилиб, шуни таъкидлаш мумкинки, Ўзбекистонда оналик ва болаликни ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асоси Конвенция нормаларини тўла-тўкис акс эттирибгина қолмасдан, шу билан бирга, мамлакатимизда она ва бола ҳуқуқларини ҳимоя қилишни анчагина кенгайтирмоқда ҳам. Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ, оналик ва болалик, оила давлат томонидан муҳофаза қилинади.

Аҳоли ўртасида репродуктив саломатликни муҳофаза қилиш тизими такомиллаштирилганлиги, болалар ва туғруқ муассасаларининг моддий-техника базаси мустаҳкамланганлиги, қон билан таъминлаш хизмати ривожланганлиги, ўн битта замонавий скрининг марказлари инфратузилмаси яратилганлиги соҳада олиб борилаётган сиёсатнинг реал натижаларидир.

Ўзбекистон Республикасида мустақиллик йилларида бу соҳада комплекс дастурлар амалга оширилганлиги туфайли оналар ва гўдаклар ўлими даражаси анча пасайди.

Сайёр мажлис муҳокамасига ҳавола этилган масалани ўрганиш Бухоро вилоятида мустақиллик йилларида бу борада катта иш олиб борилганлигини, хусусан, оналикни муҳофаза қилишга қаратилган мамлакат қонунлари ва ҳукумат қарорлари ижросини таъминлаш учун шароит яратилганлигини кўрсатди. Ҳамма ерда ҳомиладор аёллар ҳомиладорликнинг 10–12-ҳафтасидан эътиборан тиббиёт муассасаларида ҳисобга қўйилди. Эмлаш билан қамраб олинган болалар 92,8 фоизни ташкил этмоқда. 2005 йилдан бошлаб Бухоро вилоятида Осиё тараққиёт банки иштирокида "Оналар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш" лойиҳаси асосида барча туман туғуруқхона мажмуалари капитал таъмирланди ва замонавий ускуналар билан жиҳозланди.

Шу билан бир қаторда, мажлисда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш соҳасида вилоятда муайян ютуқларга эришилганлигига қарамай, ҳал қилиниши керак бўлган бир қатор муаммолар борлиги ҳам кўрсатиб ўтилди.

Сенаторлар оналик ва болаликни муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат дастурларини самарали амалга оширишга, тегишли қонунлар ва норматив ҳужжатларнинг ижросини изчил мониторинг қилишга ёрдамлашиш, аҳолининг репродуктив саломатликни муҳофаза қилиш соҳасидаги билими даражасини оширишда, тиббий маданиятни яхшилашда, шунингдек, мулкчиликнинг ҳамма шаклларига мансуб корхоналарда ҳуқуқий ҳужжатларга риоя этилишини ёритишда оммавий ахборот воситаларининг ролини кучайтириш зарурлигига эътиборни қаратдилар.

Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг мажлисларида мутахассисларни жалб этган ҳолда, шунингдек, Бухоро вилоятидан сайланган сенаторлар иштирокида оналик ва болаликни муҳофаза қилиш соҳасидаги ишларнинг аҳволини кўриб чиқиш ҳамда тегишли раҳбарларнинг ҳисоботларини тинглаш мақсадга мувофиқлиги кўрсатиб ўтилди.

Муҳокама қилинган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

**(ЎзА).**

# ЁШЛАР ВА САЙЛОВ МАДАНИЯТИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

казий сайлов комиссиясининг ҳамиша диққат-эътиборидадир. Оммавий ахборот воситаларида миллий сайлов қонунчилигининг мазмун-моҳияти, сайловни ўтказиш тартиби атрофлича тушунтирилмоқда, сайлов комиссияларининг иши кенг ёритилмоқда.

Учрашувда истиқлол йилларида фуқароларнинг ўз сайлов ҳуқуқларини амалга оширишлари учун Ўзбекистонда барча зарур шарт-шароитлар яратилгани таъкидланди. Сайлов — замонавий демократиянинг муҳим институти. У халқнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин билдириши, сиёсий ҳаётда, давлатни бошқаришда ҳамда давлат ҳокимиятини шакллантиришда шахсан иштирок этишининг асосий воситасига айланиб бормоқда. Айнан шунинг учун ҳам бўлажак сиёсий тадбирнинг жамиятимиз сиёсий ҳаётида аҳамияти беқиёсдир.

Учрашувда Марказий сайлов комиссиясининг Президент сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича амалга ошираётган ишлари ҳақида сўз борди. Маълумки, "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги Қонуннинг 4-моддасига биноан, мамлакатимизда сайлов мунтазам асосда фаолият кўрсатадиган Марказий сайлов комиссияси раҳбарлигида мустақил сайлов комиссиялари томонидан ташкил этилади ва ўтказилади. Комиссия фаолияти қонунийлик, коллегиаллик, ошкоралик, мустақиллик ва адолат тамойилларига асосланади. Мақсад — сайлов тизимининг демократик принципларини амалга оширишга кўмаклашиш, сайловчиларнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин билдириш имкониятини таъминлашдир.

Марказий сайлов комиссияси "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги Қонуннинг 8-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўйича сайлов кампанияси 21 сентябрдан эътиборан бошланишини эълон қилди. М. Абдусаломов Марказий сайлов комиссияси Ҳаракат дастурида белгиланган ишларнинг ташкилий-тайёргарлик босқичи айни вақтда деярли якунига етгани ва эндиликда сайловолди кампаниясининг асосий тадбирлари босқичи бошланаётганига эътиборни қаратди. Мазкур Қонуннинг 9, 11 ва 15-моддаларига мувофиқ 14 та сайлов округи ва округ сайлов комиссиялари ҳамда 8 мингдан зиёд сайлов участкалари тузилди. Сайлов округларининг жойлашган манзили, сайловчилар сони кўрсатилган рўйхат матбуотда эълон қилинди. Ҳозирги кунда участка сайлов комиссияларининг таркибини шакллантириш жараёни давом этмоқда, уларнинг рўйхати ҳам матбуотда эълон қилинади.

"Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги Қонуннинг $24^2$-моддасига асосан, номзодлар кўрсатиш жараёни тугалланаяпти. Сайлов кампаниясининг навбатдаги босқичида Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодни рўйхатга олиш тўғрисидаги аризаларни кўриб чиқади. Марказий сайлов комиссияси "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги Қонуннинг 25-моддасига асосан, рўйхатга олинган номзодлар тўғрисидаги маълумотларни 23 ноябргача эълон қилади.

Шундан сўнг "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги Қонуннинг 28-моддасига асосан, сайловолди ташвиқоти бошланади. Бунда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларга, сиёсий партияларга, сайловчилар ташаббускор гуруҳига оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда, сайловолди ташвиқотини ўтказишда, сайловолди дастурлари билан чиқишда, уларни эълон қилишда тенг ҳуқуқ берилади.

Сайловнинг ошкора ва очиқ ўтишини таъминлаш Марказий сайлов комиссиясининг биринчи даражадаги вазифасидир. Сайлов комиссиялари мажлислари ва тадбирларининг барчаси оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокида ўтказилмоқда ва уларда кўриб чиқилаётган масалалар ҳақидаги ахборотлар сайловчиларга етказилмоқда. Марказий сайлов комиссиясининг матбуот маркази ва округ сайлов комиссияларининг матбуот хизматлари фаолият кўрсатмоқда.

Учрашув иштирокчиларига Марказий сайлов комиссияси билан Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ўртасида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнларини тезкор ва тўла ёритишга оид битим имзолангани маълум қилинди. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси орқали бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови жараёнлари ҳақидаги хабарлар нафақат Ўзбекистон ҳудудига, балки сунъий йўлдош орқали юздан ортиқ хорижий давлатга ҳам узатилмоқда.

М. Абдусаломов қайд этганидек, Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловининг миллий сайлов қонунчилигимиз ва халқаро андозалар асосида ўтиши учун барча зарур чораларни кўрмоқда. Шу мақсадда, жумладан, округ сайлов комиссияларининг раислари, котиблари ва оммавий ахборот воситалари ходимлари учун илмий-амалий семинарлар ўтказилди.

Учрашув қизғин мулоқот руҳида ўтди. Марказий сайлов комиссияси раиси, жумладан, учрашув қатнашчиларининг сайлов тамойиллари, сайлов жараёнида ёшларнинг иштироки, сайлов куни овоз бериш шакли ва тартиби ҳамда мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ўзгаришлар даврида ўтаётган сайлов жараёнининг бошқа жиҳатлари тўғрисидаги кўплаб саволларига батафсил жавоб қайтарди.

— Учрашув менда жуда яхши таассурот қолдирди, — дейди ёш дастурловчи Равшан Муродов мулоқот тугаши билан берган интервьюсида. — Бугунги глобаллашув шароитида Ўзбекистон дунё ахборот жамиятига дадил кириб келди. Эндиликда ҳаётимизни ахборот-коммуникация технологияларисиз тасаввур этиб бўлмайди. Бу тизимдан сайлов кампанияси жараёнларида самарали фойдаланилаётгани, хусусан, Марказий сайлов комиссияси веб-сайтидан сайловга доир тегишли маълумотларни ўз вақтида ва ҳеч қандай қийинчиликларсиз олиш имконияти сайловчилар учун яратилган яна бир қулайликдир.

— Ушбу учрашув юртимизда ёшларга катта эътибор берилаётганлигининг яна бир тасдиғидир, — дейди Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори Малика Раҳмонбекова. – Мулоқот чоғида сайлов ёшлар учун демократия мактаби эканлиги, навқирон авлоднинг сиёсий маданияти ва ҳуқуқий онгини шакллантириш ва ривожлантиришда сайловларнинг аҳамияти катта эканлиги ҳақидаги тасаввурларим янада бойиди. Биз, ёшларнинг бурчимиз эл-юртимизнинг ғамхўрлиги ва эътиборига ҳар томонлама муносиб бўлишдан, Ватанимизнинг фаол, фидойи ва садоқатли фарзандлари бўлиб вояга етишдан иборат, деб ҳисоблайман.

Ҳа, мустақиллик йилларида мамлакатимизда истеъдодли, иродали, ўз олдига аниқ мақсадларни қўйган янги авлод вояга етмоқда. Ёшлар ўзларига билдирилаётган ишонч ва ғамхўрликни теран ҳис қилган ҳолда, халқимиз навқирон авлодга катта умид боғлаётганини яхши англайди. Улар бу ишончни аъло ўқиш, илмий-ижодий муваффақиятлар, халқимиз фаровонлиги, мамлакатимиз тараққиёти ва Ватанимизнинг ёруғ истиқболи йўлидаги фидокорона меҳнат билан оқлашга интилмоқда.

**Ғулом МИРЗАЕВ,**
**ЎзА мухбири.**

# Шаҳар марказида – тинчлик хиёбони

***Мамлакатимизнинг қай бурчагига борманг, олиб борилаётган кенг кўламли қурилиш, ободонлаштириш ишларига гувоҳ бўласиз. Жумладан, Наманган вилоятида ҳам кейинги йилларда кўплаб ижтимоий аҳамиятга эга бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Айни пайтда вилоят марказида шаҳарнинг бош майдони — Тинчлик хиёбони қурилиши ниҳоясига етказиляпти.***

Замонавий меъморчилик анъаналари асосида барпо этилаётган мазкур иншоот бош пудратчи — Намангандаги 3-қурилиш-таъмирлаш шуъба корхонаси ва ўнга яқин пудратчи корхоналар томонидан қурилаётир. Уларга "Вилоятнур" акциядорлик жамияти мутахассислари ҳам яқиндан ёрдам беришяпти. Хиёбон марказида эзгу мақсадларимиз тимсоли — кўкка парвоз қилаётган жуфт турнани кўтариб турган маҳобатли устун ўрин олган. Атрофдаги дов-дарахтлар, яшилликка чулғанган йўлаклар хиёбонга яхлит уйғунлик бағишлайди.




**СУРАТДА:** иш юритувчи Мажидхон Мамадалиев ва "Вилоятнур" АЖ етакчи мутахассиси Қодирхон Содиқов.

**Ҳотам МАМАДАЛИЕВ (ЎзА) олган сурат.**

# НАФИС ҲАРАКАТЛАР ЖИЛОСИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

1996-1998 йилларда туғилган қизлар ўртасидаги гуруҳ беллашувлари ҳам бухороликлар ғалабаси билан якунланди. Қолган совринли ўринлар Тошкент шаҳри ва Самарқанд вилояти спортчиларига насиб этди.

— «Жажжи маликалар — 2007» турнири мамлакатимизнинг барча ҳудудларида бадиий гимнастика юксак ривожланиш палласига кўтарилганини кўрсатди, — дейди мусобақа бош ҳаками Ляна Веричева. — Буни вилоятларда тарбияланаётган спортчиларнинг нисбатан етакчи ҳисобланган пойтахтлик гимнастикачилар билан тенгма-тенг рақобатлашаётганидан билса бўлади. Бу Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда ёш авлодни ҳар томонлама етук инсон этиб тарбиялаш, болалар, айниқса, қизлар ўртасида спортнинг нафис турларини оммавийлаштириш, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йўлида олиб борилаётган кенг қамровли ислоҳотларнинг самараларидир.

— Қизим Рухшона тўққиз ёшда, — дейди самарқандлик Манзура Узоқова. — У бадиий гимнастика билан уч йилдан буён мунтазам шуғулланади. Рухшона «Жажжи маликалар — 2007» турнирида муваффақиятли иштирок этди. Бундан жуда қувондим. Юртимизнинг чекка-чекка қишлоқларида ҳам ҳар қандай спорт тури билан бемалол, мунтазам шуғулланиш учун шарт-шароит яратилган. Соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, ёш авлод камолоти ва ёшларнинг иқтидорини рўёбга чиқариш борасида улкан ғамхўрлик кўрсатаётгани учун Юртбошимиздан жуда миннатдормиз.

**Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,**
**ЎзА мухбири.**

***Карвон-бозор ёки оддий халқ тили билан айтганда «Ўрикзор». Савдо расталари оралаб борар экан, ҳатто, энг нозиктаъб ва инжиқ харидор ҳам ўз истаги ва ҳамёнининг имкониятига мос нарсани, албатта, топади. Маҳаллий ва хориждан келтирилган маҳсулотларнинг хилма-хиллигидан ақл шошади. Буларнинг барчаси давлатимиз томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳамда қўллаб-қувватлашга катта эътибор қаратилаётганининг шарофатидир.***

# «СУНДУС»ДАГИ «ЎЙИНЛАР»

Нодир Асанов ҳам хусусий тадбиркор сифатида савдо расталаридан бирида ювиш-тозалаш воситалари билан савдо қиларди. Шу йил бошларида унинг ёнига Беҳном исмли эронлик бир киши келиб, ўзини «Сундус» қўшма корхонасининг ходими деб таништирди ва ҳар бир қутиси учун 425 сўмдан тўлаб улгуржи нархда «Дау» кукунини харид қилишни таклиф этди. Нодир хомчўт қилиб кўрди: яхшигина фойда олиш мумкин экан. Ёнида бор бир ярим миллион сўмга таклиф этилаётган нархда 147 қути маҳсулот олиши мумкин. 300 минг сўмини банк орқали ўтказиб, қолган пулни нақд бериш лозим. Беҳном реквизитларни олиб кетди. Орадан бир соат ҳам ўтмасдан у «Сундус» қўшма корхонаси ва хусусий тадбиркор «Н. Асанов» ўртасида тузилган шартнома билан қайтиб келди. Шу ернинг ўзида банк орқали пул ўтказиш учун зарур қоғозларни ҳам тўлдиришди. «Сундус» қўшма корхонаси офисида Вика исмли ҳисобчи қиз йўлда муаммолар бўлмаслиги учун қалбаки юк хати ёзиб берди. Аммо навбат ҳисоб-фактурага келганда елка қисишди: узр, ҳозир қўшма корхонамиз раҳбари хизмат сафари билан Америкада!

Нодир ва Беҳном Янгиободдаги омборга бориб, юкни машинага ортишди. Харидор ваъда қилинган пулни тўлаб, маҳсулотни олиб кетди. Кейинчалик у Беҳномни бир неча марта бозорда учратиб, ҳисоб-фактурани келтириб беришини сўради. Лекин у ҳар сафар буни турли баҳоналар билан орқага сурарди. Кунларнинг бирида у Нодирдан тоза қоғозга имзо ва муҳр қўйиб беришни илтимос қилди. Эртаси куни эса «Сундус» қўшма корхонасида текшириш кетаётганини айтиб, мабодо кимдир суриштириб келса, улардан шартнома-комиссия бўйича сотиб, пулини тўлаш шарти билан 15 миллион сўмлик ювиш-тозалаш воситалари олганини айтишини илтимос қилди. Бунинг учун Беҳном 100 доллар тўлашга ҳам рози эди. Аммо Нодир бунга рози бўлмади. Кейинроқ суриштирув жараёнида у ўзи харид қилган кукун миқдори ҳақида кўрсатма берди.

Беҳном «Ўрикзор»да савдо фаолияти билан шуғулланадиган яна бир неча тадбиркорлар билан ҳам худди шундай «шартномалар» тузган эди. Масалан, Бозор Мухторов ундан мунтазам равишда нақд пулга кир совун ва кир ювиш кукуни олиб, чакана нархда сотарди. Маълум бир вақт ичида у «Сундус» қўшма корхонасидан салкам 26 миллион сўмга кир совун, уч ярим миллион сўмдан ортиқроқ пулга кир ювиш кукуни сотиб олди. Маҳсулот учун ҳужжатларни эса ҳар сафар ўтган сана билан тўлдиришарди. Сиддиқи Хўжа Ҳумоюн ва Фаёзиддин Ҳакимов ҳам ўзлари сотаётган бошқа бир маҳсулот — товуқ оёғи учун ҳужжатларни худди шу тарзда расмийлаштиришарди.

Қонун олдида жавоб бериш пайти келганда Имони Беҳном Акбар «Сундус» қўшма корхонаси орқали Ўзбекистонга Эрондан маҳсулотлар келтириш билан шуғулланганлигини ва уларни қалбаки ҳужжатлар билан сотишни йўлга қўйганини, уларни тушган пул билан бирга мунтазам равишда қўшма корхона раҳбари – Туркия фуқароси Меҳмет Заки Обузга ва унинг бош ҳисобчиси Шавкат Муртазинга топшириб турганини тан олди.

Аммо булар «Сундус» қўшма корхонаси раҳбарларининг «майда» ишлари холос. 2007 йил 15 октябрь куни жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг очиқ мажлисида кўрилган иш материаллари билан танишган киши «Сундус»да бундан-да йирикроқ «шартномалар» амалга оширилганига амин бўлади. Учарлар минг ёки миллион ҳам эмас, балки миллиардлаб сўм маблағни осонгина «айлантиришарди». Аммо кўза кунда эмас, кунида синади...

Меҳмет Заки Обуз Ўзбекистонга 1995 йилнинг январида келган. 1995 йилнинг 6 апрелида рўйхатга олинган ва Низом жамғармаси 11 минг АҚШ доллари бўлган «Сундус» қўшма корхонасига у 1000 АҚШ доллари билан таъсисчи сифатида қўшилади. Қўшма корхона раҳбарлигини эгаллаш учун у Низом жамғармаси миқдорини ошириш таклифини илгари суради. Аммо у бу ишни сунъий йўл билан амалга оширди: қиймати 282 минг 223 АҚШ доллари бўлган сутни қайта ишлаш жиҳозларини келтириб, уларни 331 минг АҚШ доллари қийматида расмийлаштирди. Шу йўл билан 1998 йил 12 сентябрда Меҳмет Обуз «Сундус» қўшма корхонаси бош директори курсисини эгаллади. Унинг назарида энди ноқонуний йўл билан шахсий бойлик орттириш учун ҳамма эшиклар очилгандай эди. Фақат бу ишда унга битта ишончли «ҳамкор» керак бўларди. Ҳамкор ҳам топила қолди: 1999 йил охирларида иқтисодиёт тизимида катта иш тажрибасига эга бўлган Шавкат Муртазин бош ҳисобчиликка тайинланади. Кутилганидек бош ҳисобчи яхшигина маслаҳатчи ҳам бўлиб чиқди.

2003 йил 11 декабрда улар Тошкент шаҳар хўжалик судига қўшма корхонанинг тўлиқ шакллантирилмаган Низом жамғармасининг 99,75 фоизи хорижий сармоясидан иборатлиги ҳақидаги нотўғри маълумотларни тақдим этиб, 2003 йил охиригача импорт қилинган маҳсулотлар учун ҳисобланган 1 миллион 790 минг сўм божхона тўловининг бекор қилинишига эришдилар. Шу ўринда Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 3 октябрдаги 464-сонли Фармойиши ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 30 ноябрдаги 1652-сонли фармони талаблари қўпол равишда бузилди, яъни қўшма корхона молиявий-хўжалик фаолиятининг 60 фоизини ишлаб чиқариш ташкил этиши кераклиги борасидаги шартга амал қилинмади.

М. Обуз ва Ш. Муртазин «Сундус»ни тадбиркорлик субъекти ниқоби билан ниқоблаб, божхона ва бошқа тўловларни тўлашдан озод қилиш муддатларини узайтиришга эришдилар. 2003-2005 йилларда хориждан келтирилган маҳсулотлар учун ҳисобланиши зарур бўлган жами 1 миллиард 83 миллион сўмдан ортиқроқ божхона тўлови, қўшимча қиймат ва акциз солиқларини тўламадилар. Бунинг учун улар ҳар сафар давлат идораларини алдаб, гўёки йўқолиб қолган рўйхатга олиш гувоҳномаси ўрнига янгисини тақдим этишарди. Маҳсулотлар эса қалбаки шартнома ва юк хатлари билан кичик бизнес субъектлари орқали сотиларди.

Меҳмет Обуз қўшни давлатлардан турли маҳсулотлар келтираётганларга ҳам «ёрдам қўли»ни чўзарди. Гўёки маҳсулотларни божхонадан олиб ўтишда имтиёзларга эга бўлгани учун у қўшма корхонанинг қалбаки ҳужжатлари ёрдамида ана шундай инсонлар билан пинҳона келишувлар тузиб, кўрсатган «холис хизмати» учун солиқ ва тўловлардан озод бўлган маблағнинг маълум қисми миқдорида нақд пулда хизмат ҳақи оларди. Масалан, хусусий тадбиркор Л. Аҳроров бизнесдаги бошқа «ҳамкорлари» билан биргаликда «Сундус» қўшма корхонаси номидан тузилган шартномалар бўйича мамлакатга олиб келинган кафель ва сантехника воситаларининг ҳар бир вагони учун 15 миллион сўмдан жами 45 миллион сўмни Зеки оғага қуртдай санаб беришди.

Аммо бу ҳам ҳали ҳаммаси эмас!..

## Қонун барчага баробар

Маълумки, мамлакатимизда Кадрлар тайёрлаш миллий дастури доирасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Дастурнинг йўналишларидан бири янги типдаги ўқув муассасаларини замонавий воситалар билан жиҳозлашни кўзда тутади. Давлатимиз томонидан таълим соҳасига йўналтирилаётган катта миқдордаги маблағни биз келажакка сармоя, деб атаймиз. Чунки юқори малакали мутахассислар тайёрлаш, ёшларни турли касбларга ўргатиш айнан мамлакатни келажакда ривожлантиришни назарда тутади. Афсуски, юқорида исмлари қайд этиб ўтилган кимсалар бу олижаноб ишга ҳам ҳаром-харишни аралаштиришга уринишди.

Улар қонунни четлаб ўтишнинг йўлини топсанг, ҳар қандай ишдан ҳам пул ишлаб олиш мумкин, деган хомхаёлга боришди. Шу орада республика ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими маркази коллежлар учун тикув машиналари харид қилиш бўйича тендер эълон қилиб қолди. Нима учун унда қатнашмаслик керак?! Энг муҳими, тендерда ютиб чиқиш лозим! Аммо бунга ким ёрдам беради? Ўйчининг ўйи битгунча таваккалчининг иши битади, деган нақлга амал қилиб тўғри марказга ташриф буюришди. Каттагина улуш ваъда қилиб, марказ директорининг ўринбосари, тендер комиссияси раиси Сайдумар Саидовни ўзларининг жиноий гуруҳларига шерик қилишди. С.Саидов шахсий манфаати йўлида лавозимини суиистеъмол қилишдан ўзини тиёлмади.

С. Саидов «Сундус» қўшма корхонасини тендер қатнашчилари рўйхатига киритиб қўйди. Унинг бизга таниш бўлган «ишбилармонлар»-га кўрсатган ёрдами шундан иборат эдики, уларга махфий маълумотни, яъни тендернинг бошқа иштирокчилари тикув машиналарини қандай нархларда таклиф этишаётганини ошкор қилди. Жумладан, «LEXX» қўшма корхонаси тикув машиналарини жами 968 миллион сўмга, «Malrusimpex» масъулияти чекланган жамияти эса 999 миллион 400 минг сўмга таклиф этишганди. Шу боис «Сундус» қўшма корхонаси тикув жиҳозлари комплектини улардан анча арзон – 864 миллион 800 минг сўмга етказиб бериш таклифи билан чиқди. Шу йўл билан С. Саидов «ўйин»ни уларнинг фойдасига ҳал этди. Энди Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 21 январдаги 456-сон Фармойиши билан тасдиқланган Йўриқномага асосан, таклиф этилаётган маҳсулотлар, бизнинг мисолимизда тикув машиналарининг бозор коньюктурасига мос келиши ҳақида экспертиза хулосасини олиш шарт эди. Фирибгарлар бундай хулосани, қоидада кўзда тутилганидек, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигидан эмас, балки мустақил баҳоловчи – «Ўзконсалсервис» қўшма корхонасидан олишди. Шу йўл билан 2006 йил 10 майда республика ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими маркази ва «Сундус» қўшма корхонаси ўртасида тикув машиналари етказиб бериш бўйича №03/Т рақамли қалбаки шартнома ва 2006 йил 11 майда №01 рақамли импорт-контракт имзоланди.

Аслида, «SINGER XL 6000» русумли 40 дона тикув машинасининг ҳар бири 4 миллион 840 минг сўмдан турса-да, уларни салкам 7 миллион сўмдан қилиб расмийлаштиришди. Ҳар бири 1 миллион 800 минг сўм турадиган «SINGER CE 200» русумли яна 40 та тикув машинасини марказ 2 миллион 162 минг сўмдан харид қилиб олди. Шу йўл билан яна 800 дона «ACME 266» русумли тикув машинасининг, 80 дона оверлокнинг, 40 комплект дазмол босиш жиҳозларининг нархи сунъий тарзда ошириб кўрсатилди. 880 дона тикув машинаси столларининг нархи бир зумда ҳар бири 52,5 минг сўмдан 80 минг сўмга, ўқувчилар учун 960 дона стулнинг нархи 20 минг сўмдан 28 минг сўмга, ўқитувчилар учун 40 дона столнинг нархи 120 минг сўмдан 125 минг сўмга ошиб кетди. Шу йўл билан «Сундус» қўшма корхонаси директори ва унинг жиноий шериклари касб-ҳунар коллежларига жами салкам 235 миллион сўмлик нархи амалдагидан ошириб кўрсатилган жиҳозларни сотишди. Оқибатда, ўта йирик миқдорда бюджет маблағларининг ўзлаштирилиши ҳамда ошиқча сарфланишига йўл қўйилди.

Албатта, турли объектларнинг замонавий техника воситалари билан жиҳозланаётганини кўриб кўз қувонади, қолаверса, хорижлик ишбилармон доиралар томонидан Ўзбекистондаги инвестиция шароитининг қулайлиги ҳақида фикрлар билдирилаётгани ҳам бизни хурсанд қилади. Айнан халқаро ҳамкорлик боис сўнгги йилларда барча соҳаларда кўплаб ижобий ўзгаришлар рўй берди. Бунинг учун барча ҳуқуқий асослар яратилган. Талаб этиладигани фаолиятда мавжуд қонунлар талабларига оғишмай риоя қилиш. Аммо ҳар доим ҳам шундай бўлавермайди. Буни М. Обуз фаолиятига тааллуқли яна бир мисолда кўришимиз мумкин. Туркиялик сармоядор Янгийўлдаги баланс қиймати 350 миллион 765 минг сўм бўлган қандолат фабрикасини атиги 75 миллион сўмга сотиб олди. У ерга қимматбаҳо жиҳозлар ўрнатиб, ишлаб чиқаришни бошлаб юборди. Бир қарашда ишлаб чиқариш ривожланиб кетадигандек эди. Афсуски, бундай бўлиб чиқмади. У ўзининг шахсий даромад орттириш йўлидаги истакларининг қулига айланиб қолгани боис фабрикани ҳам қўшимча даромад манбаига айлантириб олди. Кейинроқ, ўзининг кирдикорлари фош бўлиб қолиши эҳтимоли пайдо бўлганда «BAHSEL» қўшма корхонаси бош директори Этем Гулмез билан пулни 2009 йилгача тўлаш шарти билан фабрикани 100 миллион сўмга сотиш тўғрисида қалбаки шартнома тузди. Шу йўл билан фирибгар яна бир бор давлат ва жамият манфаатларига катта зарар етказди.

М. Обуз, Ш. Муртазин ва бошқа шериклари 2005-2007 йиллар мобайнида мунтазам равишда даромадларни яширишнинг «синалган» усулини қўллаб келишди. Шунинг оқибатида жами салкам 1 миллиард 24 миллион сўм миқдордаги солиқ, йиғим, мажбурий тўлов ва бошқа тўловларни тўламадилар.

Тергов ва суд жараёнида қоидабузарлар ўз айбларини тан олишни исташмади: мана, ҳамма ҳужжатларимиз жойида! Аммо халқда «Бузоқнинг югургани сомонхонагача», деган нақл бор. Келинг, жабрланувчиларни тинглаб кўрайлик. Улар орасида Тошкент шаҳар божхона бошқармаси ҳам бор. Бошқарма номидан ҳуқуқий хизмат бўлими бош инспектори Н. В. Солиҳова жараёнда иштирок этди:

— «Сундус» қўшма корхонаси томонидан импорт қилинаётган маҳсулотларга унинг раҳбарлари М. Обуз ва Ш. Муртазин корхона божхона йиғими ва акциз солиғидан ўн йил муддатга озод қилинганини важ қилиб кўрсатишарди. Уларнинг важлари ҳақиқатдан йироқ бўлгани боис 2003 йил якуни бўйича йиғим ва солиқлар тўғридан-тўғри ушлаб қолинган. Қўшма корхона Ўзбекистон Республикасининг «Хорижий сармоядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунига таяниб, Тошкент шаҳар хўжалик судига мурожаат этади. Хўжалик суди ва шаҳар адлия бошқармаси қонун талабларини нотўғри талқин этиб, қўшма корхонанинг талабини қондиришди. 2006 йилда «Сундус» қўшма корхонаси яна бир марта худди шундай ишда ютиб чиқди. Чунки бу сафар ҳам божхона идоралари тўғридан-тўғри солиқ ва йиғимларни ушлаб қола бошлашган эди. Мабодо, қўшма корхона ўн йил муддатга имтиёзга эга бўлган бўлса ҳам, бу муддат 2005 йилда тугаган эди-ку! Энди «ўқимишли иқтисодчилар» имтиёзнинг амал қила бошлаш муддатини сармоя киритилган вақтдан бошлаб ҳисоблашни талаб этишди. Томонларнинг мунозараси узоққа чўзилди. Бу сафар жиноятчилар жавобгарликдан қочиб қутулолмасликларини сезиб қолишди. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси томонидан «Сундус» қўшма корхонасининг масъул раҳбарларига нисбатан жиноят иши қўзғатилиб, Олий хўжалик судига норозилик хати киритилди. Бугунга келиб «Сундус» қўшма корхонаси қалбаки ҳужжатлар тақдим этиш йўли билан акциз солиғи ва божхона йиғимларини тўламай маҳсулотлар импорт қилиш бўйича умумий қиймати 19 миллиард сўмликдан ортиқ кўплаб операцияларни амалга оширгани исботланди.

Келинг, энди «Ўрикзор» бозорида эски танишимиз Беҳном хусусий тадбиркорларни тоза қоғозга имзо ва муҳр қўйиб беришга мажбур қилганини яна бир эслайлик. Ваҳоланки, айнан ўша пайтда, яъни 2007 йил февралда Бош прокуратуранинг Солиқ ва валютага оид жиноятлар ҳамда жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши кураш департаменти томонидан текшириш бошланган эди. Қўшма корхона раҳбарлари 11 миллиард сўм камомад очилиб қолишини сезиб, таниш савдогарлар орқали шартнома-комиссиялар, ҳисоб-фактураларни расмийлаштира бошладилар...

Жиноий гуруҳ раҳбари М. Обузга ҳисобчилардан ташқари менежер Абдусамат Наимов, ҳозирда Туркияга қочиб кетган, директор ўринбосари бўлиб ишлаган Байрам Шахин, омбор мудири Акмал Турдиевлар ҳам яқиндан ёрдам бериб келишган. Суд жараёнида кўплаб гувоҳлар сўроқ қилинди. Улар орасида бир қанча бошқа корхоналар раҳбарлари, банклар ва давлат идоралари ходимлари, хусусий тадбиркорлар бор.

Тақдим этилган айблов бўйича кўплаб ҳужжатлар тўпланган. Булар – қарши текширувлар натижалари, юзлаштирувлар далолатномалари ва баённомалари, экспертиза хулосалари. Судланувчилар уларга қарши эътироз билдиролмай мум тишлаб қолишди. Адолат қарор топди. Суд ўз ҳукмини эълон қилди. Меҳмет Заки Обуз 16 йил муддатга, Шавкат Муртазин эса 7 йилу 6 ойга озодликдан маҳрум этилди. Уларнинг иккаласи ҳам озодликка чиққанларидан сўнг уч йил давомида раҳбар ва моддий жавобгарлик бўлган лавозимларда ишлаш ҳуқуқидан ҳам маҳрум этилдилар.

Қонун олдида барча баробар. Қонунбузар ким бўлишидан қатъи назар, у оддий ходимми ёки раҳбар, мамлакатимиз фуқаросими ёки хорижликми, албатта, қилмиши учун жавоб беради. Халқаро ҳамкорлик эса биринчи навбатда Ўзбекистон халқининг манфаатларига, тинчлик ва барқарорликка, истеъмолчиларнинг тўкин ва фаровон ҳаёт кечиришларига хизмат қилиши керак.

**Ганжина АМИНОВА.**
**Region.uz**

# ЖАҲОН 24 соат ичида

## Музокарадан бош тортди



***Мьянмадаги ҳарбий хунта БМТ махсус вакили Иброҳим Гамбарининг уч томонлама, яъни мухолифат иштирокида музокаралар ўтказиш тўғрисидаги таклифини рад этди.***

Мамлакат ахборот вазири Чжа Сан мухолифатчиларни ҳукумат талабларини бажармаётганликда айблади. Унинг сўзларига кўра, мухолифат халқаро ҳамжамиятини ҳукуматга нисбатан жазо чоралари қўллашга чақиришдан тўхтамаяпти.

## Мажбурий қўниш

Жанубий Африка Республикасининг «Nationwide» авиакомпаниясига қарашли «Boeing 737» йўловчи самолёти Кейптаун халқаро аэропортига двигателлардан бирида чиққан носозлик туфайли қўнишга мажбур бўлди. Мамлакат фуқаро авиацияси бошқармаси вакилининг билдиришича, Йоханнесбургга йўл олган мазкур самолёт бортида 106 нафар киши бўлган. Уларнинг ҳеч бири жабрланмаган.

## Балиқчилар қутқарилди



Россиянинг контейнер ташийдиган «FESCO Ascold» кемаси Атлантика океанида уч нафар португалиялик балиқчини қутқариб қолди. Улар ўз кемаларида юз берган носозлик туфайли очиқ океанда бир ҳафтача қолиб кетишган. Манбада айтилишича, балиқчилар Португалия ҳарбий-денгиз флоти вакилларига топширилган.

## Чекиш озишга ёрдам берадими?

Мичиган университети олимлари томонидан ўтказилган тадқиқотларга қараганда, кашанда аёлларнинг ҳар бештадан биттаси семирмаслик ниятида чекишни ташламас экан. Тиббиётда аниқланишича, никотин ортиқча вазн билан курашишга ёрдам беради. Сабаби, сигарета иштаҳани бўғиб қўяди. Сўровлар натижасида кашанда аёлларнинг яна бир қизиқ жиҳати — спортга алоҳида эътибор қаратишлари маълум бўлди.

## Комиссарнинг таклифи

***Европа Иттифоқининг ташқи сиёсат ва хавфсизлик масалалари бўйича комиссари Хавьер Солана Мадридда Эроннинг ядро дастури билан боғлиқ масалага ечим топиш юзасидан таклиф билан чиқди.***

У расмий Теҳронга нисбатан ишончсизликни бартараф этиш мақсадида уранни бойитиш халқаро марказини ташкил қилиш фикрини ўртага ташлади. Солананинг таъкидлашича, бундан ташқари, бу каби марказлар барча мамлакатларга ядро ёнилғисидан ҳеч бир эътирозсиз фойдаланиш имкониятини беради.

## Маҳбуслар озод этилмоқда



***Ироқдаги Америка қамоқхонасидан 500 нафар маҳбус озодликка чиқарилди.***

АҚШ ҳарбий қўмондонлиги вакилининг билдиришича, бундай қадам мамлакатдаги зўравонликларнинг бартараф этилишига ҳамда икки мамлакат ўртасидаги муносабатларнинг яхшиланишига туртки беради. Манбада келтирилишича, Ироқдаги қамоқхоналарда минглаб маҳбуслар ҳеч бир айбловсиз ушлаб турилибди. Ироқ вице-президенти Тариқ ал-Ҳошимий биринчи навбатда айблов эълон қилинмаганлар озод этилишини маълум қилди.

**Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.**

IPOTEKA BANK

***Мамлакатимизда олиб борилаётган оқилона сиёсат ва кенг қамровли ислоҳотлар туфайли, таъкидлаш лозимки, кичик бизнеснинг иқтисодий ривожланишда тутган ўрни беқиёсдир. Фикримизнинг тасдиғи сифатида ривожланган мамлакатлар иқтисодий тажрибасидан ҳам шуни кўриш мумкинки, мамлакат иқтисодиётида кичик бизнес ривожи қанчалик катта улушни ташкил қилса, иқтисодий тараққиётнинг мароми шунча юксалиши кузатилади.***

# МИЖОЗЛАР САЛОҲИЯТИ — НАМУНАЛИ ХИЗМАТ КЎЗГУСИ

Ўзбекистонда кичик бизнеснинг ривожланиши унда банд бўлган ходимлар миқдори, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишдаги инновацион фаоллик, иқтисодий ислоҳотларнинг олиб борилиши, эркин муҳит каби бир қатор омилларга боғлиқ. Кичик бизнеснинг давлат томонидан қўллаб-қувватланиши иқтисодиётнинг мазкур секторидаги молиявий, ташкилий, инфратузилмавий масалаларнинг атрофлича ўрганилишини тақозо этади. Мамлакатимиз Президенти 2006 йил якунларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ҳаётимизда устувор ўрин олиши даркорлигини алоҳида таъкидлаганлиги ҳам фикримизнинг исботидир.

Шундан келиб чиқиб, мамлакатимизда бу соҳани ривожлантиришга қаратилган қатор чора-тадбирлар ижроси янада жадаллашди. Бугунги кунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик қишлоқ жойларда ҳам кенг кўламда ривожлантирилиб, янги иш ўринларини ташкил қилиш, аҳоли даромадларини ошириш, умуман олганда, ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этишда муҳим роль ўйнамоқда.

Вилоятларда нодавлат секторни ривожлантиришга кенг йўл очиб бериш орқали мамлакатдаги иқтисодий ислоҳотлар суръатининг жадал ривожланишига имконият яратмоқда. Шубҳасиз, кичик бизнес иқтисодиётнинг нодавлат сектори учун ҳаракатлантирувчи куч бўлиб хизмат қилади. Давлатимиз кичик бизнес ривожланишига, унинг ҳуқуқий ҳимоясини яратиш ва такомиллаштириш ҳамда хусусий мулк шаклига эга бўлган тадбиркорликнинг мамлакат иқтисодиётида етакчи ўринга чиқишида кўп ишларни рўёбга чиқармоқда. Шуни таъкидлаш керакки, мамлакатимиз мустақилликка эришган йилларда ҳудудлар иқтисодиётида маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш салоҳиятини мустаҳкамлаш, захира базасини кенгайтириш орқали аҳоли бандлигининг ўсишига эришилди.

Хусусан, 2007 йилда «Ипотека-банк» кичик, хусусий корхоналарни кредитлаш ҳамда тадбиркорлик ташаббусини қўллаб-қувватлаш сиёсатини фаол амалга оширди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини қўллаб-қувватлаш умумдавлат дастуридаги «Ипотека-банк» нинг иштироки натижаларини маҳаллий маҳсулотлар импорт товарларини миллий бозорларимиздан дадил сиқиб чиқараётганлигида, шунингдек, кенгайиб бораётган юксак даражали хизмат кўрсатиш соҳасида кўришимиз мумкин.

Банк мижозлари бўлмиш хўжалик юритувчи субъектларнинг аксарият қисми «Ипотека-банк» кредит портфелида устувор мақомга эга бўлган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлардан иборатдир. 2006 йилда ушбу банк тизимида 45 мингга (жами корпоратив ва хўжалик юритувчи субъектларнинг 80 фоизи) яқин кичик бизнес субъектлари фаолият кўрсатиб келган. Шунга кўра, банк ўз маблағлари ва жалб этилган ресурслар ҳисобидан, тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга 65 млрд. сўмга яқин маблағ ажратиб, шу аснода 2900 тадан ортиқ иш ўринлари яратилган.

Тадбиркорлар орасида ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, қурилиш соҳаларини ривожлантириш учун банк йўналтираётган микрокредитларга бўлган талаб айниқса кучли. 2006 йил давомида барча молиялаш манбаларини жалб этган ҳолда 5,1 млрд. сўмлик микрокредитлар ажратилди. Бу хизмат тури аксарият, қишлоқ жойларда кенг оммалашган бўлиб, бу ерда фермер ва деҳқон хўжаликлари ундан бажонидил фойдаланишмоқда. Чунончи, ҳисобот даврида «Ипотека-банк» томонидан 2,7 млрд. сўм (микрокредитлар умумий ҳажмининг 50 фоизидан кўпроқ қисми) ушбу шўъбага ажратилган.

Табиийки, 2007 йилда ҳам кичик бизнес субъектларига ҳар томонлама молиявий кўмак бериш ва сифатли банк хизматларини кўрсатиш банкнинг устувор сиёсатларидан биридир.

Банкнинг 2007 йилга мўлжалланган кредит сиёсатида ҳам кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларини кредитлаш янада соддалаштирилган ҳолда амалга оширилмоқда.

Айни пайтда «Ипотека-банк»нинг ЕТТБ Ўзбек-Япон кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш дастури (J-USBP) бўйича 2007 йилга мўлжалланган «Кредит сиёсати» ишлаб турибди.

«Ипотека-банк»нинг кичик бизнес ривожи учун берган кредитлари тармоқлар бўйича маромида мутаносиблаштирилган. Бунинг натижасида эса 2007 йил бошидан буён «Ипотека-банк»нинг айрим кичик бизнес субъектларига берган кредитларини оқилона ишлатиш натижасида эришган ютуқлари ҳамда пировардида аҳолининг иш билан бандлигига бевосита ва билвосита таъсир кўрсатганлигини кўришимиз мумкин.

Банк томонидан берилаётган ҳар бир имтиёзли кредит турлари алоҳида мақсадлар учун ва алоҳида шартлар асосида ажратилади. Хусусан, жорий йилнинг ўтган даврида «Ипотека-банк» кичик бизнесга кўмаклашиш борасида ўзининг дадил қадамларини ташлай олди. Шу даврнинг ўзида кичик бизнес субъектларига ажратилган кредитлар жозибадорлиги шуни кўрсатадики, ҳисоб рақами очган ва фаолият юритаётган кичик бизнес субъектларининг сони 49980 тага етган. Банк томонидан мамлакат миқёсида кичик бизнес кредит лойиҳаларига 9 ой давомида қарийб 52,1 млрд. сўм миқдоридаги молиявий ресурслар билан молиялаштирилган, «Ипотека-банк» томонидан олиб борилган бу фаолият натижасида қарийб 3270 тага яқин иш ўринлари яратилган.

Фикримизнинг исботи сифатида жорий йилнинг 9 ойи давомида «Ипотекабанк» томонидан кичик бизнес субъектлари томонидан тақдим қилинган инвестицион характердаги 40 та лойиҳа, бундан 39 та лойиҳа жами 13,2 млрд. сўмда, 1 та лойиҳа 270 минг еврода молиялаштирилган. Хусусан, Хоразм вилоятида «Хўжа Овул» фермер хўжалигига 60,0 млн.сўм қишлоқ хўжалиги техникалари ва қорамоллар сотиб олиш ва фермер хўжалигини ривожлантириш мақсадига кредит ажратилган. Бунинг эвазига 15 та янги иш ўрни ташкил топган. Ҳозирги кунда ушбу фермер хўжалиги вилоятда намунали жамоалардан биридир.

*«Ипотека-банк» томонидан кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектлари иш фаолиятини бошлаш, кенгайтириш ҳамда уларни молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида мунтазам равишда имтиёзли кредитлар ажратилиб келинмоқда. Жумладан, банк ўз маблағлари ва жалб этилган ресурслар ҳисобидан 9 ой давомида тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга* ***52,1 млрд.*** *сўмга яқин маблағ ажратиб,* ***3270*** *тага яқин иш ўринлари яратилишига ўз ҳиссасини қўшди.*

Қорақалпоғистон филиали томонидан темир-бетон маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи банкрот ҳолига келиб қолган «Шайжели» акционерлик жамияти ўрнига «ИИРАСИ» масъулияти чекланган жамият ташкил қилиниб, 2004 йилда 100,0 млн. сўм кредит маблағи билан молиялаштириш эвазига корхона иқтисодий барқарор корхонага айланди. Корхонага ушбу олинган кредитни муддатидан олдин қайтариши эвазига 2006 йилда 200,0 млн. сўм молиявий кўмак берилди ва ушбу кредит ҳам муддатидан олдин қайтарилди. Ҳозирги кунда корхонани модернизациялаш ва ишлаб чиқариш қувватини янадаошириш мақсадига 400,0 млн. сўм кредит ажратилиши масаласи кўриб чиқилмоқда. Ўтган давр мобайнида корхонада 200 та янги иш ўринлари ташкил қилиниб, у тўлиқ молиявий барқарор корхонага айлантирилди.

Жиззах вилояти филиали томонидан «Бахмал меваси» масъулияти чекланган жамиятига қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ва қуритиб, тўлиқ чет элга экспорт қилиш учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини (пиёз, картошка, сабзи, карам, лавлаги ва бошқалар) сотиб олишга ва айланма маблағларини оширишга 70,0 млн.сўм кредит ажратилган бўлиб, бунинг эвазига 40 та янги иш ўрни ташкил қилинди ва жорий йилнинг бошидан буён экспорт қилинган маҳсулот эвазига 128,2 минг АҚШ доллари миқдорида валюта тушуми амалга оширилган.

Фарғона вилояти филиали томонидан кичик бизнес субъектлари таркибига кирувчи “Камол Экспресс сервис” хусусий ишлаб чиқариш корхонасига пахтани қайта ишлаш ва тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш учун 100,0 млн.сўм молиявий кўмак берилган. Ажратилган кредит натижасида ишлаб чиқариш қуввати 100 фоизга ошган. Корхона 2007 йил учун Россиянинг “Текс-Ком” масъулияти чекланган жамияти билан 261,0 минг АҚШ доллари миқдорида, “Торговый Дом Эксим” масъулияти чекланган жамияти билан 400,0 минг АҚШ доллари миқдорида, “Бент Уз” масъулияти чекланган жамияти билан 211,5 минг АҚШ доллари миқдорида экспорт шартномалари имзоланган бўлиб, ушбу корхоналарга маҳсулот экспортидан 358,2 минг АҚШ доллари келиб тушган. Банкдан олинган кредит маблағи кўмагида корхонанинг молиявий аҳволи янада барқарорлашиб, қўшимча 40 та янги ишчи ўрни яратилган.

Ҳозирги кунда корхона томонидан ишлаб чиқариш жараёнини кенгайтирган ҳолда янги маҳсулот — стериллан-ган бинт ва дока ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мақсадида дастгоҳ сотиб олиш учун 100,0 млн. сўм кредит олиш ва бунинг эвазига қўшимча 40-50 та янги ишчи ўрни яратиш режалаштирилмоқда.

Сурхондарё вилояти филиали томонидан Шўрчи туманидаги “Шўрчи Мебель” ишлаб чиқариш тижорат фирмаси 80,0 млн. сўмга молиялаштирган, бунинг эвазига вилоятдаги ўқув юртлари, янги қурилиб фойдаланишга топширилаётган мактаб ва коллежларни вилоятнинг ўз ҳудудида ишлаб чиқарилаётган сифатли янги мебеллар билан жиҳозлаш амалга оширилмоқда. Корхона молиялаштирилгани туфайли ишлаб чиқариш қуввати ошиши эвазига 8 та янги иш ўрни ташкил қилиниб, жорий йилнинг 9 ойида 317,0 млн. сўмлик маҳсулот сотилишига эришилди.

«Ипотека-банк»нинг Бухоро вилоятидаги «Сардор» филиали “Имидж Текстил” масъулияти чекланган жамиятига жорий йилда 150,0 млн. сўм кредит ажратган, бунинг эвазига 70 та янги иш ўрни яратилган, ишлаб чиқариш қуввати ошган ҳолда корхонанинг экспорт салоҳияти ҳам юксалган. Жамият 2007 йил июль ойидан буён 71,0 минг АҚШ доллари миқдорида маҳсулот экспортини амалга оширган.

Мамлакатимизнинг асосий иқтисодий салоҳияти бевосита қишлоқ хўжалигига боғлиқлиги ҳеч кимга сир эмас. Давлатимиз томонидан олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг туб моҳияти ҳам қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва маҳсулот экспортини яхшилашга, уларнинг жаҳон бозорига чиқишини таъминлашга қаратилган. Бу йўналишда ҳам «Ипотека-банк» ўзига хос йўналишда кредит линияларини очиб, фермер хўжаликларининг ривожланишига, улар ишлаб чиқараётган маҳсулотларни экспортга йўналтиришга ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшиб келмоқда. Бугунги кунда қишлоқ хўжалиги соҳасининг ривожида моддий-техника базасининг ўрни беқиёсдир. 2007 йил 9 ойи давомида «Ипотека-банк» томонидан фермер хўжаликларига жами 2,8 млрд. сўм миқдоридаги кредитларнинг қишлоқ хўжалиги техникаси, ҳайдов ва чопиқ тракторлари, ғалла ўрим комбайнларини сотиб олиш учун йўналтирилганлиги фикримиз тасдиғидир. Шунингдек, шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантиришга доир чора-тадбирларни амалга ошириш учун банк томонидан 2210 дан ортиқ кам таъминланган оилаларга 2,1 млрд. сўм кредит ажратилди. Бу эса чорвачиликнинг ривожланишига ҳамда кам таъминланган оилаларнинг молиявий томондан рағбатлантирилишига қулай шароит яратди.

Ҳозирги кунда республикамизда кичик бизнесни банклар томонидан, хусусан «Ипотека-банк» томонидан имтиёзли кредитлар билан қўллаб-қувватлаш бўйича ҳуқуқий-меъёрий база қулай ва мукаммал қилиб яратилган десак хато бўлмайди.

Жаҳон амалиётида ривожланган бозор иқтисодиёти кичик бизнес ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этишда, янги иш ўринлари барпо қилишда, бозор ўзгаришларига тез мослашишда ва мулкдорлар синфини шакллантиришда алоҳида аҳамиятга ва юқори самарадорликка эга эканлигини тасдиқламоқда. Шу нуқтаи назардан ривожланган мамлакатларнинг кичик бизнесни молиялаштириш юзасидан тажрибаларини атрофлича ўрганиш ва самарали усулларни миллий иқтисодиётнинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда жорий қилиш асосий масаладир. Бу эса, ўз навбатида, Ўзбекистонда кичик лойиҳаларни молиялашни такомиллаштиришга ҳам хизмат қилади.

Хуллас, яқин истиқболда минтақаларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш асосида аҳолининг иқтисодий фаол қисмини иш билан бандлигини оширишга ҳамда ижтимоий қўллаб-қувватлаш борасида аниқ йўналтирилган самарали чора-тадбирларни татбиқ этиш бўйича мақсадли минтақавий дастурларни ҳаётга жорий этиш масаласига катта эътибор қаратиш лозим.

Бугунги кунда «Ипотека-банк»нинг тобора салоҳиятли мижозларига айланиб бораётган кичик бизнес субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш ва уларга хизмат кўрсатиш инфратузилмасини янада такомиллаштириш муҳим вазифадир.

**Н. ҲАМРОЕВ.**

Минск автомобиль заводининг Ўзбекистондаги расмий вакили
«ADVENT EURASIA» ҚК
«МАЗ» русумли барча турдаги автомобиллар, шу жумладан, автобуслар, троллейбуслар, махсус техника, тиркама техникалар, автокран, автомобилларга бензин қуювчи ва эҳтиёт қисмларни етказиб беришга буюртмалар қабул қилади.


Етказиб берилган техникалар «ADVENT EURASIA» қўшма корхонаси сервис хизмати кўрсатиш шохобчасида рўйхатга олинади ва техник хизмат кўрсатилади.
*Кафолат муддати — 3 йил.*
Тел./факс: 134-10-97.
Телефонлар: 134-19-53, 339-50-68.
Манзилимиз: Тошкент ш., В. Малясов к., 3-«А» уй, 4-қават, 413-хона.
Мўлжал — «Юлдуз» фабрикаси.
1472R/1346

КОРХОНА ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ омбордан сотади
ЭМАЛ-СИМ ПЭТВ-2
Электродвигателларни ремонт қилиш учун қалинлиги 0,25дан-1,8мм гача
Маҳсулот сертификатланган
Тел.: 267-37-62, 267-47-65

ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ !!!
ЎЗБЕКИСТОН ХОТИН-ҚИЗЛАР ҚЎМИТАСИ
**Ўзбекистон аёлларининг нуфузини ошириш, жамият ҳаётида тутган ўрнини мустаҳкамлаш ва уларнинг юртимизда кечаётган демократик жараёнлардаги иштирокини кучайтириш, аёл зотини эъзозлаш ва улуғлаш мақсадида матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари ўртасида «БАХТИМИЗ ҚОМУСИ» номли кўрик-танлов эълон қилади.**
Бунда мамлакатимиз хотин-қизлари ҳаёти, сиёсий фаоллиги, ҳуқуқий билимларини ошириш борасидаги амалий ишлар, ҳуқуқий саводхонлик ва ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш юзасидан ютуқ ва камчиликлар, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси хотин-қизлар ҳаётида қандай роль ўйнаётганлиги, «Конституция аёллар тақдирида» мавзуларида матбуот ва оммавий ахборот воситаларида ёритилган «энг яхши мақола», «энг яхши телекўрсатув», «энг яхши радиоэшиттириш», «энг яхши фотосурат»лар тақдим этилади.
**Кўрик-танловнинг 2007 йил 7 ноябрдан 7 декабрга қадар туман босқичлари, 2008 йил 20 февралгача вилоят босқичлари, 2008 йил 8 мартгача республика босқичи ўтказилади.**
Ғолиблар туманларда 8 декабрь — Конституция байрамида, вилоят ва республика босқичи ғолиблари 8 март — Хотин-қизлар байрами арафасида эълон қилинади ва тақдирланади.
Қўшимча маълумот учун қуйидаги манзилга мурожаат қилинг: 100129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.
Тел./факс: (998-71) 139-40-66, 139-40-12, 144-06-15, 144-16-17.
Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИ
Таклифлар 2007 йил 18 ноябргача қабул қилинади.
ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ БОЖХОНА БОШҚАРМАСИНИНГ «НАВОИЙ» БОЖХОНА ПОСТИГА
МЕБЕЛЛАР СОТИБ ОЛИШ БЎЙИЧА

ТЕНДЕР ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.
Манзил: Тошкент шаҳри, «Ўзбекистон» шоҳкўчаси, 3-уй.
Телефон: 120-76-00. Ички телефон: 20-19.

Газ улгуржи истеъмолчилари ва газ сотувчи ташкилотлар диққатига!
«Крокус Газ Сервис» ҚК
«Сигнал» ва «Газдевайс» ЁАЖ компаниялари гуруҳининг Ўзбекистон ҳудудидаги расмий вакили қуйидагиларни таклиф этади:
ЭЛЕКТРОН БЛОКЛИ (БК) МУВОФИҚЛАШТИРАДИГАН ТУРБИНАЛИ САНОАТ ГАЗ ЎЛЧАГИЧЛАРИ (СТГ).

Мазкур асбоблар газни ҳисобга олиш бўйича замонавий ўлчаш-ҳисоблаш комплекслари бўлиб, немис технологияси бўйича Россияда ишлаб чиқарилган.
Ўлчаш диапазонлари: соатига 100 $м^3$, 250 $м^3$, 400 $м^3$, 650 $м^3$, 1000 $м^3$, 1600 $м^3$ гача ва ундан ортиқ.
Етказиб бериш, тўлиқ монтаж қилиш, кафолатли сервис хизмати кўрсатиш — йил давомида.
Асбоблар «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатига эга.
Россияда ишлаб чиқарилган
«АГАТ» РУСУМЛИ, УЛЬТРАТОВУШЛИ, ЎЛЧАНАЁТГАН ГАЗ ҲАРОРАТИНИ АВТОМАТИК РАВИШДА ТЎҒРИЛАЙДИГАН

замонавий электрон газ ўлчагичлари.
Ўлчаш диапазонлари:
- «АГАТ» G-16 (соатига 0,16 $м^3$ дан 25 $м^3$ гача);
- «АГАТ» G-25 (соатига 0,25 $м^3$ дан 40 $м^3$ гача);
- «УБСГ» 001 G-4 (соатига 0,04 $м^3$ дан 6 $м^3$ гача).
- «УБСГ» 001 G-6 (соатига 0,06 $м^3$ дан 10 $м^3$ гача).
- «УБСГ» 001 G-10 (соатига 0,1 $м^3$ дан 16 $м^3$ гача).
Кафолатли сервис хизмати кўрсатиш — йил давомида.
Асбоблар «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатига эга.
Сервис маркази манзили: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, «Моштабиб» кўчаси, 7-уй. Мўлжал — Тошкент вино заводи.
Тел./факс: 132-21-22, 136-39-63, 127-10-28, 127-07-72.

**Нигоҳ**

***Соҳибқирон Амир Темур Самарқандда жуда кўп боғлар барпо этганлар, шаҳарни кўкаламзорлаштиришга алоҳида эътибор берганлар. Чунки боғ-роғлари сероб, майсазор шаҳар ҳамиша навқиронлик ва гўзаллик, тозалик ва ободлик сифатларини ўзида мужассамлаштирган. Бинобарин, мамлакатимиз юраги, истиқлолимизнинг муборак қутби, ҳар биримиз учун азиз ва улуғ шаҳар Тошкент ҳам дунёдаги энг ям-яшил, боғ-роғлари гуркираб яшнаган, хуш табиатли, ёқимли ва нурли иқлимли шаҳардир. Маълумотларга кўра пойтахтимизда 4.5 миллион дарахт, 2.3 миллион бута бор. 50 га яқин хиёбон, 88 та марказий кўчаларимизни ана шу дарахтлар ва буталар безаб турибди. Қувончлиси, бош кентимизда истиқомат қилувчи ҳар бир кишига 50 квадрат метр кўкаламзор тўғри келади.***



# ОБОД УЙДА ПОК ОДАМЛАР ЯШАЙДИ

## Олтин япроқларнинг заҳмати

Куз пишиқчилик, тўй-томошалар мавсуми. Нозиктаъб инсонларнинг севимли, соҳир туйғулари тўлқинланадиган сеҳрли, баракали кунларининг фасли. Шу билан бирга, дарахтлардаги тилла рангга кирган япроқлар мажозий маънода ҳайрат тимсоли бўлса, ҳаётий маънода шаҳар фаррошларига анча-мунча ташвиш келтиради. Сабаби оддий. "Хазонрезги" вақтида супуриб олинмаса, қорайиб кетади, кўча юзаларига учиб, ёғингарчилик пайтида елимдек ёпишиб қолади. Ана шу ҳолатда у хунук манзара касб этади, қолаверса, сирғамчи хусусияти бор. Автотранспорт воситаларига хавф туғдиради. Биз кўзимизни уқалаб, ишхонага боришга тайёргарлик кўраётганимизда шаҳар кўчаларида қизғин меҳнат қайнайди. Эрталаб соат 6.00 дан 1890 нафар фаррош, 350 нафар мироб, 1500 нафар кўкаламзорлаштириш ишчилари кўчалардаги ҳар бир гардни олиб, ҳар бир доғни тозалаб, меҳр қўрини тўкиб қўйишади десак, муболаға бўлмайди. Автомобилда, автобусда кўчалардан ўтаётганимизда кўнглимиз ажиб кўтаринки ҳиссиётларга тўлади. "Тошкент озода, кўм-кўк, тенгсиз шаҳар", деймиз ичимизда. Кайфиятимиз кўтарилади, тўйиб-тўйиб нафас оламиз. Лекин баъзан...

— Кўп қаватли уйлар атрофида, маҳаллаларнинг теварагида уйиб қўйилган хазонни аксарият ҳолларда, ёш болалар, гоҳо хонадон эгалари атайлаб десам, хафа бўлишар, "билмасдан" ёқиб юборишади, — дейди куюниб шаҳар Табиатни муҳофаза қилиш бўлими раиси ўринбосари Артур ака Мустафин. — Маълумки, дарахт япроқларидан чиққан тутун инсон саломатлигига, айниқса, унинг нафас йўлларига салбий таъсир кўрсатади. Демак, хазон ёқувчи аввало ўзига зарар етказади, кейин қўшнисига, атрофдагиларга, сўнг бутун бир мавзега. Натижада мўътадил экотизим бир муддат мувозанатини йўқотади.

## Маиший маданиятсизлик баҳоси

Истиқлолимизнинг дастлабки йилларида асосий диққат-эътибор эски шаҳарни ободонлаштиришга қаратилди. Тез орада тор, дала-дўққи Сағбон кўчаси кенг, текис, кўркам кўчага айланди. Маҳаллаларга табиий газ келди. Канализация қувурлари ёткизилди. Ён-атрофдаги мактаблар таъмирланди, янги поликлиникалар, болалар учун спорт иншоотлари қад кўтарди. Ўша шароитларда ҳам эски шаҳарликлар озодаликка қатъий риоя қилардилар, ҳозир ҳам шундай.

— Эски шаҳарда, борингки, ҳовлили маҳаллаларда жамоатчилик фаолроқ, — дейди биз билан суҳбатда Бектемир туман "Маҳалла" хайрия жамғармаси раиси Саидхўжа Бузрукхўжаев. — Оқсоқоллар, ёши улуғ "ойижон"у "дадажон"ларнинг таъсири ёшларга сезиларли даражада. Бироқ, айрим кўп қаватли уйларда яшовчиларда гоҳо бепарволик, боқимандалик, кечирасизу ўзига ҳам, бировга ҳам ҳурматсизлик кузатилади. Яқинда ўзим гувоҳ бўлган бир ҳолатни айтиб берай. Коммунал соҳадаги таклиф ва мулоҳазаларни, эътирозларни ўрганиш мақсадида кечки пайт кўп қаватли уйлардан бирига борган эдик. Бирданига тўққиз қаватли уйнинг юқори қаватидан пастда яшовчиларнинг деразаси тагига бир салафан чиқинди тап этиб тушди. Бу воқеанинг гувоҳи бўлганимизни сезган юқори қаватдан чиқинди улоқтирган жувон "Вой, ўлмасам" деди-ю, деразасини қарсиллатиб ёпди.

— Кўп нарса тарбияга боғлиқ, — дейди Бектемир тумани "Истиқбол" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Муҳаммаджон Миразимов. — Афсуски, ўзи алоҳида яшаётган ёш оилаларнинг айримларида маиший маданиятсизлик иллатлари учраб туради. Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, Саидхўжа ака билан бирга кўп қаватли уйларнинг хонадонлари эшиклари тепасидаги "ис"ларни бир неча бор олиб ташлаганмиз. Малол келса-да, хонадон соҳибларига бунинг яхши эмаслигини тушунтириб қўйганмиз. Қайси бири хижолат тортди, қайси бири қовоғини уйди. Хуллас, нозик масала бу. Умуман олганда, ҳудудимизда 6 та чиқинди контейнери жойлашган. Битта қўриқланадиган махсус чиқиндихонамиз мавжуд. "Махсустранс", "Экотаз", табиатни муҳофаза қилувчи ташкилотлардан жиддий эътирозлар эшитганимизча йўқ.

Гап чиқинди контейнерларига келиб тақалар экан, қуйидаги маълумотларга тўхталсак, мавзуни теранроқ англаб оламиз. Шаҳарда 291 та хизмат кўрсатиладиган, чиқинди тўпланадиган майдонча бор. Шунингдек, маиший чиқиндилар ташланадиган 517 та модул шаклидаги майдончалар мавжуд. Бу майдончаларга 4050 та контейнер ўрнатилган, 5234 та турли ҳажмдаги контейнерлар ташкилотлар ва корхоналар ҳудудида жойлаштирилган. Ҳар куни 479 та, шулардан «ДЭУ» ва «ХУНДАЙ» русумли 348 та махсус чиқинди ташувчи машиналар ҳайдовчилари ва хизматчилар маҳалла, мавзелардан минглаб тонна чиқиндини йиғиштириб олишади. Қизиғи шундаки, шаҳар тозалиги учун масъул ушбу хизматчилар аксарият ҳолларда махсус майдончалар, контейнерлардан анча узоққа бепарволик билан ташлаб кетилган чиқиндиларни ҳам йиғиштиришга мажбур бўлишади. Баъзида уйларини таъмирлаганлар ҳам чиқиндиларни дуч келган жойга қўйиб кетишади. Аслида ўзлари махсус машинани ёллаб, бу чиқиндиларни керакли жойга олиб бориб ташлашлари лозим.

— Қурилиш чиқиндилари зарарли эканлигини ҳамма яхши билади, — дейди Артур ака Мустафин. — Қолаверса, "Махсустранс" шу каби боқибеғамликнинг оқибатлари учун қанчадан-қанча қўшимча ёнилғи, ортиқча меҳнат сарфлайди. Буям майли. Контейнерларга қараб куйган лампочкаларни отиш болаларнинг машғулотларидан бирига айланиб қолган. Биринчидан, лампочкаларда симоб бор. Унинг бир донасини синдириш натижасида 25 куб.метр ҳаво ифлосланади. Сир эмас, симобнинг организмдан чиқиб кетиши қийин кечади. Энди тасаввур қилинг, ота-оналаримизнинг болаларига лампочкани тутқазиб, "бор кўчага ташлаб кел" дейишларининг баҳоси неча пуллигини...

Дарҳақиқат, маиший маданиятсизлик давлат бюджетига неча сўмга тушади. Шаҳримизнинг кашанда фуқаролари сигарет қолдиғини машина ойнасидан ёхуд хиёбонлардаги ўриндиқлар, автобус бекатларига туташ майсазорларга ташлаётганларида, йигит-қизларимиз, ширин болажонларимиз писта чақиб, пўчоғини тўрт тарафга сочаётганларида, музқаймоқнинг қоғоз ўрамини итқитаётганларида бу ҳақда мулоҳаза юритиб кўрганмиканлар. Бинобарин, 1 квадрат метр кўкаламзор майдонни барпо этиш учун давлатимиз 28 минг 70 сўм маблағ сарфлайди. 1 метр ариқни тоза сақлаб туриш учун ҳар йили 2 минг 146 сўм ажратилади. Шуни мавжуд 30 минг гектардан зиёд кўкаламзорлаштирилган майдонга кўпайтириб чиқинг-чи? Миллиардлаб маблағ сарфланганини ҳисоблаб оласиз. Бунга ҳали "Махсустранс"нинг йиллик харажатларини қўшсак, ажабмаски, ҳафсаласиз, бефарқларни андак ўйга толдирса.

## «Дуо олгандек бўламан...»

Тошкент шаҳар Ободонлаштириш бош бошқармасида ва унинг туман бўлимларида 5686 нафар ходим фаолият кўрсатади. Уларнинг қанчаси фаррош, мироб, кўкаламзорлаштириш соҳаси ишчиси эканлигини юқорида айтиб ўтдик. Улар чинакамига фидойи, Тошкентни жон-дилидан яхши кўрадиган, хайрли ва савоб ишни ҳар куни миннату малолсиз қиладиган танти инсонлар эканлигига шак-шубҳа йўқ. Ахир ҳамма ҳам бундай заҳматли касбни танлайвермайди-да.

— Айни пайтда бизни қийнаётган муаммолардан бири "баклажка"лар. Ажабланманг, сиз билан суҳбатга тажрибали миробларимиздан бирини чақирган эдим, бироқ уни шошилинч равишда сув тошган жойга жўнатдик. Шаҳар бўйича 110,7 километрдан ошиқ 51 та канал, 3,3 минг километрдан зиёд майда ирригация тармоғи бор, — дейди шаҳар Ободонлаштириш бошқармаси бош иқтисодчиси Марғуба Ҳабибуллаева. — Ана шу канал ва тармоқларга катта зиён келтирувчи салқин ва минерал ичимликларнинг пластмасса идишларидир. Лоқайдлик туфайли ариқларга ташланган бу идишлар тиқилиб қолади, натижада сув йўли тўсилиб, сув тошиб кетади. Ўйлаб кўринг-а, биз ариқни тозалагунимизгача нақадар нохуш манзара ҳукм суради.

— Яна бир гап, — дейди суҳбатимизга қўшилиб шаҳар Ободонлаштириш бошқармаси бошлиғи ўринбосари Саидумар ака Аглаев. — Ҳар йили меъёрий ҳужжатларга кўра 10 фоиз майсазор янгиланиши кўзда тутилган. Биз эса ҳар йили 30 фоиз майсазорни янгилаймиз. Чунки, ер ости йўлаклари, ўтиш чорраҳалари қолиб, майсазорни босиб, топтаб ўтадиганлар ҳам кам эмас. Айни наҳорда ёки хуфтон маҳали айрим кишилар майсазорларимизга қўйларини ўтлатишади. Бу борада тегишли жарималар солинади, албатта. Келажакда майсазорларимиз атрофига ёзма лавҳали устунчалар ўрнатиш ниятимиз бор.

Суҳбатимиз узоқ давом этиши мумкин эди-ю, ногоҳонда қўнғироқ чалинди. Саидумар ака узрини айтиб, чиқиб кетди. Биз ҳам хайрлашишга чоғланганимизда Марғуба опа тўхтатиб қолди.

— Шошманг, ҳализамон эл орасида обрў топган, ўз ишининг чинакам устаси келади. Гаплашиб кўринг.

Кўп ўтмай эшик тақиллади, хонага истараси иссиқ аёл кирди. Онахоннинг исми-шарифлари Гулчеҳра Аҳмедова экан. Узоқ йиллардан бери Амир Темур хиёбонида фаррош бўлиб ишларканлар. Опа гўзал, самимий гурунг бердилар.

— Ишимни яхши кўраман. Азонлаб, ҳаммадан олдин келаман. Хиёбонни одамлар ўта бошлагунча ярақлатиб қўяман. Бахтлиман. Олти фарзанднинг онаси, олти набиранинг бувисиман. Ишхонам шаҳарнинг қоқ марказида деб ҳаммага мақтанаман. Ҳар куни Амир Темур бобомизнинг пойларини артиб чиқаман. У киши мени дуо қилаётгандай туюлаверади. Гоҳо кўзимга қараб қўйгандай бўладилар. Шу қутлуғ ҳайкалнинг теварагини супурсам руҳим тетиклашади, кучим кўпайгандай, кўнглим тиниқлашадими-эй... У кишининг хизматларини адо этганимдан бошим кўкка етади. "Бу хизмат ҳеч кимга эмас, менга насиб этди", дея ич-ичимдан суюнаман. Ҳа, энди беайб парвардигор. Бандамиз-да, ёшларимиз ўйинқароқроқ, шулар сал бизни қийнаб қўйишади. Бошқа ҳаммаси яхши.

**Б**у мавзуни ёритиш жараёнида таассуфки, бир хулосага тўла-тўкис иқрор бўлдик. Биз ватанимизни севамиз, уни қадрлаймиз. Шаҳримиз кўркига, чиройига ҳам бефарқ эмасмиз.

Шундай экан, унинг ҳар бир бутоғини, кўчасини, хиёбонини, аниқроғи, ноёб қиёфасини кўз қорачиғимиздай асрайлик. Юртбошимиз айтганларидек, "Ободлик кўнгилдан бошланади." Бу ҳақиқатни ёдимиздан чиқармайлик.

**Абдували ҚУТБИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Спорт • Sport • Спорт

***Аввал хабар берганимиздек, Макаода ёпиқ иншоотларда ўтказилган II Осиё ўйинлари доирасида миллий спортимиз — кураш бўйича ҳам мусобақалар (норасмий) ўтказилди.***

## Осиё ўйинлари совриндорлари

КХА матбуот хизматидан олинган хабарда айтилишича, унда Эрон, Япония, Макао, Мўғулистон, Афғонистон, Гонконг, Хитой Тайпейи ва Ўзбекистондан келган 50 нафарга яқин полвон тўрт вазн (63, 73, 78, 90) тоифасида гиламга чиқди.

Мусобақа якунида Бидел Хассанхогнен Токтам, Маломат Али, Саид Хесрави Нежад (Эрон), Лин Бел Вун (Хитой Тайпейи)лар ўз вазн тоифаларида олтин медалларни қўлга киритишди. Ҳамюртларимиздан Суҳроб Дўстов (73 кг.) кумуш, Фазлиддин Мелиев (+90 кг.) эса бронза медали соҳиби бўлди.

Мусобақа ғолибларини тақдирлаш маросимида қатнашган Осиё Олимпия қўмитаси президенти Шайх Аҳмад ал-Фаҳад ас-Сабоҳ ва Африка қитъавий Олимпия қўмитаси президенти Ласанно Паленфо кураш келажакда энг оммавий спорт турларидан бирига айланишига ишонч билдирдилар.

**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## «Соғлом авлод» кубоги учун

***Пойтахтимиздаги "Умид" болалар спорт мажмуасида "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармаси кубоги мусобақалари доирасида стол тенниси бўйича IV республика ўсмирлар турнири якунланди.***

Унда Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда турнир ғолиби бўлган 56 нафар ўсмир жуфтлик ва якка тартибдаги мусобақаларда ўзаро куч синашдилар. Якка тартибдаги мусобақаларда ғолиблик ўғил болалар ўртасида пойтахт вилоятидан Темур Нагуманов, андижонлик Элмурод Холиқов, фарғоналик Ҳусанбой Отахоновга, қизлар ўртасида эса наманганлик Музайям Муҳаммаджонова, тошкентлик Ирода Қаландарова, пойтахт вилоятидан Ольга Кимга насиб этди.

Шунингдек, жуфтлик ўйинлари бўйича ўғил ва қиз болалар мусобақаси ғолиблари ҳам аниқланди. Ғолиблар "Соғлом авлод учун" хайрия жамғармаси, республика Хотин-қизлар қўмитаси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги сингари бир қатор нуфузли ташкилотларнинг қимматбаҳо эсдалик совғалари ва фахрий ёрлиқлари билан тақдирландилар.

**Мавжуда ХОЛМАТОВА,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**





HYUNDAI АВТОМАРКАЗИ ОЧИЛГАНИНИНГ 1 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН DONGNAMUZ-MOTORS КОМПАНИЯСИ 19-24 НОЯБРЬ КУНЛАРИ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ АКЦИЯСИНИ ЎТКАЗМОҚДА.

МАШИНАЛАРГА БЕПУЛ ТАШХИС ҚЎЙИШ, ТАЪМИРЛАШГА ЧЕГИРМАЛАР, HYUNDAI АВТОМАШИНАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИ БЕПУЛ ЎРГАТИШ!!!

ХИЗМАТНИ ЖАНУБИЙ КОРЕЯДА ТАЖРИБА ОРТТИРГАН МУТАХАССИСЛАР БАЖАРАДИ.



ХИЗМАТГА ЁЗИЛИШ 5 НОЯБРДАН ҚУЙИДАГИ ТЕЛЕФОНЛАР ОРҚАЛИ АМАЛГА ОШИРИЛАДИ:
+998 71 250-11-11,
+998 71 250-69-99.

HYUNDAI!!! ЎЗ ЙЎЛИНГНИ ЎЗИНГ ТАНЛА!!!

КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИНИНГ МОДДИЙ-ТЕХНИКА ТАЪМИНОТИ БОШҚАРМАСИ



ҚУЙИДАГИЛАРНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА ЕТКАЗИБ БЕРИШ БЎЙИЧА ТЕНДЕР ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:
- ФОРМАЛИ КЎЙЛАКЛАР;
- ЎТ ЎЧИРУВЧИЛАР КИЙИМЛАРИ;
- ИЧКИ КИЙИМЛАР.

Манзил: 100070, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., Ш. Руставели к., 1-берк кўча, 1-уй.

Талабгорлардан тендерда иштирок этиш таклифларини қабул қилишнинг сўнгги муддати — 2007 йил 1 декабрь куни соат 17.00 гача.

Маълумот ва тендер ҳужжатларини олиш учун ҳар куни соат 9.00 дан 19.00 гача қуйидаги телефонлар орқали мурожаат қилиш мумкин: 8 10 998 (371) 153-74-16, 281-43-72, 136-39-60, 255-76-72. Факс: 8 10 998 (371) 281-43-73. E-mail: umtvs@uzpak.uz
Қўшимча маълумотлар қуйидаги сайтда жойлаштирилган: www.dgMarket.uz


«Ўзбекенгилсаноат» давлат-акциядорлик компанияси жамоаси марказий аппаратнинг ижро интизомини назорат қилиш бўлими бошлиғи
**Шуҳрат Шавкатович ИСРОИЛОВнинг**
вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент вилояти адвокатлар ҳайъати жамоаси Бекобод шаҳар юридик маслаҳатхонаси адвокати Қудратой Раҳмонқуловага падари бузруквори
**ЭРГАШ отанинг**
вафот этганлиги муносабати билан таъзия изҳор қилади.


Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1056. 24132 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55; Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.*

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — У. Файзиева.
Навбатчи — С. Ҳайдаров.
Мусаҳҳиҳ — Ҳ. Тошхўжаев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 23.55 Топширилди — 01.45 8